

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲУҚУҚИЙ ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Умарова Р.Ш.ф.ф.н.,  
доценти, Тошкент давлат транспорт университети,

Мамасолиев Голибжон  
YU-3 гуруҳ талабаси  
Тошкент давлат транспорт университети

**Аннотация**

Мақолада Марказий Осиёда ҳуқуқ фалсафасига оид таълимотлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жараёнлар билан ўзвий боғлиқ ҳолда ривожланганлиги, Ҳуқуқ фалсафасининг илк намуналари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, мустақиллик, эркинлик каби муҳим ғояларнинг илгари сурилишида Марказий Осиё алломалари мисолида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Тумарис, Спитамен, “Ижтимоий сиёсат”, “Бахт-соадатга эришув тўғрисида”, “Фозил одамлар шаҳри”, “тузуклар”, донолик, жасурлик, ақиллик, адолатпарварлик.

Марказий Осиёда ҳуқуқ фалсафасига оид таълимотлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жараёнлар билан ўзвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Ҳуқуқ фалсафасининг илк намуналари мил.авв. 1-чи йиллардаги саклар, массагетлар, Тумарис, Спитамен ва Шарқ халқлари афсоналарида учратамиз. Бу муносабатларда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, мустақиллик, эркинлик каби муҳим ғоялар илгари сурилади.

Зардуштилиқ диний-фалсафий, ҳуқуқий таълимотининг асосий ёзма манбаларидан бири “Авесто”дир. Авестода - кишиларнинг маънавий соғлиги, меҳнат қилиш зарурлиги, фаровон турмуш, адолатли бўлиш, яъни жамиятда ёмонлик бутунлай йўқолиши, адолат эса ғалаба қилмоғи керак ёки “халоллик халқнинг келажаги учун муҳимдир” деган ахлоқий, ҳуқуқий фикрларни кўплаб учратамиз. Ҳуқуқ фалсафасига оид яна бир жиҳат шундаки, “халоллик фақат сўзда эмас, балки амалда, фақатгина амалда эмас тафаккур қилиш тарзида, инсон ички дунёсида унинг онгида бўлмоғи керак”, - деб таъкидланади. Шунингдек, Авестода ахлоқ ва адолат, жамиятдаги мавжуд ижтимоий нормалар, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар курашига ва унинг натижасига боғлиқ деб таъкидланади. Зардушт жамиятдаги барча яхшиликлар Ахурамазда, ёмонликлар эса Анхра-Ману томонидан амалга оширилади. Авестода фалсафий-ҳуқуқий фикрлар тизимида олов ғояси алоҳида ўрин эгаллайди. Олов инсонларни гуноҳлардан, уларнинг мавжуд ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига хилоф равишда қилган хатти-ҳаракатлари, гуноҳларини тозаловчи, сеҳрли бир куч эканлиги қайд этилади.

Марказий Осиёда IX-XI асрларда расмий диний, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлар билан бирга, илғор ижтимоий- сиёсий, фалсафий- ҳуқуқий таълимотлар вужудга келган. Ана шундай йирик таълимотларнинг йирик вакилларида бири Абу Наср Фаробийдир.

Фаробий ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий қарашларини “Ижтимоий сиёсат”, “Бахт-соадатга эришув тўғрисида”, “Фозил одамлар шаҳри” каби мумтоз рисолаларида инсон

ижтимоий ҳаётининг пайдо бўлиши ва давлатни бошқаришда ҳуқуқий-фалсафий таълимотларнинг аҳамияти, фозил давлатларда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тамойиллари ва қоидалари ҳақида фикр юритилади. Хусусан, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари” рисоласида фазилатли бўлиш, жамоа шаҳар аҳолисининг асосий сифат белгилари бу юксак маънавиятлилик, меҳнатсеварлик, илм-фанга интилиш, ўзаро ҳамкорлик, иззат - ҳурмат каби ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллар ҳукмрон бўлиш лозимлиги таъкидланади.

Ҳуқуқ фалсафаси, Фаробийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларида ахлоқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетади. Ахлоқ инсоннинг амалий фаолиятини боғловчи асосий мезон ҳисобланиб, унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Фаробийнинг ҳуқуқ фалсафаси сиёсий илмнинг ажралмас қисми бўлиб, жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ фалсафаси сиёсат илимининг бир қисми экан, демак инсонни билиш, унинг манфаатлари ва ҳаётини маънавий асосини ташкил этувчи муҳим омил сифатида талқин этилади.

Фаробий ўз даврининг буюк инсонпарвари сифатида кишилик жамиятини урушларсиз, зулмсиз, жиноятларсиз, қашшоқларсиз тасаввур қилган. Фуқароларни бахтли бўлиши ва жамиятни барқарорлиги тўғрисида, адолат тантанаси ҳақида тенглик, дўстлик, юксак маданиятли жамият ҳақида орзу қилиб қолмасдан, унинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини изоҳлаб берган.

Сиёсий -ҳуқуқий ва ҳуқуқ фалсафасига оид бир қатор ғояларни илгари сурган мутафаккирлардан яна бири Абу Али Ибн Синодир. Унинг таъкидлашича инсоннинг хатти-ҳаракатлари унинг яхши ва ёмон хулқининг барчаси муҳит, тарбияга ва одатга боғлиқ бўлиб, улар асосида инсон борлиғи намоён бўлади. Жумладан, Ибн Сино инсон яхши фазилатининг асосини тўрт турга бўлади. Булар донолик, жасурлик, ақиллик, адолатпарварликдир. Инсон ўз маънавий ҳаётини, ахлоқий-ҳуқуқий дунёқарашини такомиллаштириш ва бойитиш имкониятларига эга ва булардан ҳар бир киши тўғри ва одилона фойдаланиш лозим.

Беруний таълимотига кўра инсон ўз ақли заковати билан бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади ва у ички ва ташқи покликка эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Беруний фикрича ички поклик аввало яхши ниятдан келиб чиқади, ташқи поклик эса инсон ҳақиқат ва ҳуқуққа риоя қилиши орқали эришади. Инсон юксак фазилатлар соҳиби бўлиши учун у ўзига раво кўрган нарса, ходисаларни ўзгаларга ҳам раво ўриши керак - деб таъкидлайди.

А.Темурнинг “тузуклари” сиёсий -ҳуқуқий меъёрларнинг ўзига хос низоми ҳисобланади. Унда буюк ҳукмдор давлат ва ҳуқуққа, сиёсатга ўз муносабатларини баён қилган. Мазкур рисолада жамият тараққиётининг объектив қонунлари ва уларнинг ўзаро муносабати эканлиги ғояси ётади.

“Тузукларда” таъкидлашича Темур ўз сиёсий-ҳуқуқий қарашларида 12 хил турли тоифага мансуб кишиларга суянган ҳолда иш юритган. Булардан энг муҳимлари олим, шаиҳ, донолар-яъни қонун чиқарувчилар бўлган.

Фикримизнинг якуни сифатида умуман, Қадимги Шарқ ва Антик даврда ҳуқуқ фалсафасига оид қарашларнинг шакилланиши ва ривожланиши мутафаккирларнинг ижтимоий-ҳуқуқий қарашларида ўз ифодасини топган бўлиб, ҳуқуқий муносабатларни, жараёнларни тартибга солиш ва бошқаришда ўзига хос билимлар манбайи бўлиб хизмат қилган.

**REFERENCES**

1. Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development Роль натурфилософии Абу Райхана Бируни в развитии современной науки // Экономика и социум, 2020
2. Scientific and Theoretical Bases of Beruni's Natural Philosophy // JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN ..., 2022
3. Взгляд западных ученых на философию Авиценны (Абу Али ибн Сина)
4. // Научный журнал, 2019
5. TECHNOCRATIC THEORIES AND THEIR ESSENCE // Uzbek Scholar Journal, 2022
6. CONCEPT AND CONTENT OF HUMAN RIGHTS // Uzbek Scholar Journal, 2022
7. Evolution of railway construction development in Uzbekistan: Past and prospects // AIP Conference Proceedings, 2022
8. Натурфилософия Абу Райхана Бируни // Вестник науки и образования, 2020
9. Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни // Проблемы науки, 2019
10. Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни // Проблемы науки, 2019
11. Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни // Theoretical & Applied Science, 2015
12. Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки // Проблемы науки, 2019
13. Анализ мировоззрений в области науки у философов Ближнего Востока // 2022